

Xabar

34
(1040)-son
24-avgust
www.xabar.uz
info@xabar.uz
2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Мақдурилсан, бахтилсан, эркин ва обод Ватан!

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида "Ўзбектелеком" АК томонидан мамлакатимиз бўйлаб "Ягона ойна" тамойилидаги 21та янги савдо офиси очилади.

Истиқлол тухфаси



3-бет

Сўнги янгилик!

Гарвард университети тадқиқотчилари томонидан рақамли ахборотни кодлашнинг ноодатий усули ишлаб чиқилди. Жорж Черч ва унинг ҳамкасблари 53 400 сўз ва 11та рақамли тасвирдан иборат китобни ҳамда JavaScriptдаги дастурни ДНК кетма-кетлиги тартибидан кодлаштиришди. Кодланган ахборотнинг умумий ҳажми 5,27 млн. битни ташкил этди.



4-бет

Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Байрамлар ярашади обод юртимга!	2
■ АТ-хабарлар	4
■ Компютерлашган корхонада	5
■ Экспертиза специализированных программных продуктов государственных органов	6
■ Зиё таратаётган даргоҳ	12
■ Яхши ният — ярим давлат	14

Теледастурлар, спорт, сканворд

**umadan
umagacha**

 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 август куни Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэмм раҳбарлигидаги АКШ ишбилармон доиралари делегациясини қабул қилди. Ушарувада АКШнинг етакчи компаниялари ва уларнинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги ўзаро манфаатли бизнес муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ички ва ташқи бозорда хариδοгир бўлган юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишга қаратилган иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Ташкентда 17 август кунини Ўзбекистон — Америка бизнес-форумини бўлиб ўтди. Унда АКШ маъмуриятининг юқори мартабали аъзолари, Американинг 25 етакчи компанияси ва ишбилармон доиралари, шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати, вазирлик ва идоралари, йирик компаниялари, халқаро молия институтлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

 Пойтахтимизда 22 август кuni Ўзбекистон — Япония ишбилармон доираларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуманда ўзаро товар айирбашлаш ҳажмининг янада ошириш, қўшма корхоналар сони ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг қўшлаг компания ва корхоналари ҳамда Япония ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

 Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Ярашсиз комиссиялари фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ташкент вилоятининг "Бўстон" сиаҳатхоҳида "Келажак овози-2012" медиа-оромгоҳининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Медиа-оромгоҳ якуни бўйича етакчи халқаро ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағмағармаси Вазирлик кенгашининг раиси Гулнора Каримова журналистларнинг қўйлаб саволларига жавоб берди.

Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида "Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида миллий халқ ўйинлари фестивали ўтказилди. Унда миллий маданият марказлар қошидаги бадий жамолар, фольклор-этнографик ансамбллар вакиллари ҳамда спортчи-ёшлар катнашди.

Эшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган "Навқирон Ўзбекистон-2012" V республика аънаванай ва замонавий санъат фестивали бошланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағнамраси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ёшлар ижод саройи томонидан ташкил этилган мазукур фестивалда таъсирий ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда. Фестивал қолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир сентябр ойининг бошида бўлиб ўтди.

 Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш кулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллади.

Ватан мадҳи

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида "Мустақкам оила йили Давлат дастури" ижроси доирасида бир қатор тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда "Адолат" СДП вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди.

"Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусида ташкил этилган ушбу тадбирнинг партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Дилбар Хамдамова кириш сўзи билан очиб, Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берган истиқлол шарофати тўфайли юртимизда ўтган 21 йил ичида рўй берган оламшумул воқеа-ҳодисалар хусусида батафсил тўхтади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олиши ўз-ўзиндан бўлгани йўқ, албатта. Халқимизнинг буниёдорона меҳнати эъзизга қўлга киртилган ютуқлар мамлакатимизни дунёга танитди. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида Ўзбекистон байроғи маъруф ҳилпираб турибди. Ватанимиз мадҳияси турли халқлари йиғинларида, дунё спорт ареналарида ҳамюртларимиз эришяётган муваф-

Филиалда ташкил этилган байрам тадбири Истиклол мушоирасига улан-ни кетди. Даврада сўз олган Бухоро Давлат тиббиёт институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исомиддин Жумаев мустақиллик мадҳиясини ўзида мужассам этган шеърларидан ўқиб бериб, барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга ташкилотчилар томонидан атрофлича жавоблар берилди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Байрамлар ярашади обод юртимга!

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйи "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шiori остида нишонланаётган экан, бу чақирикда олам маъно муҳассам. Чунки юртимиз ҳар бир фуқаросининг тақдири Ватан тақдири билан ҳамоханг. Юртимиздаги ўзгаришлар, тараққиёт сари қадам кишиларимиз турмушида ҳам ўз ифодасини топган.



Қарши почта алоқаси тармоғида бугунги кунда 125 нафар ходим меҳнат қилиб, 17та алоқа бўлими ва Марказий бўлим аҳоли ва ташкилотларга почта алоқаси хизматини кўрсатмоқда. Шундан 14та алоқа бўлими электрон пул жўнатмаларини қабул қилишга мослаштирилган. Қарши шаҳри бўйича 17904 нафардан зиёд пенсионерга, 1690 нафар ижтимоий ҳимояланган пенсионерга ойига 4 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағи тарқатилади.

Марказий бўлим бошлиғи Зулхумор Дилмуродова, алоқа бўлими бошлиқларидан Татьяна Бичкова, Мархамат Нурова, Фароғат Сокирова, Шоҳиста Шукурова, Азиз Каримов, Ўктам Ғоипов, Матлуба Убайдуллаева, хабарчилардан Ёқуб Турсунов, Бахтиёр Ўнғобев, сараловчилардан Нигора Рашидова, Салим Лутфуллаев ва бошқалар кўп йиллик ҳалол меҳнати, бой меҳнат таърибаси билан кўнчиликка ўрнак.

Байрам арафасида барча алоқа бўлимлари кишиларимиз қалбини тўлқинлантирувчи шнорлар билан безатилиб, ходимларимиз истиқлол ва истиқбол байрамини аъло қайфият, меҳнатда ютуқлар билан қутиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Шу кунларда алоқа бўлимларимизда иш ҳар қачонгидан ҳам кизгин. Ҳар йили шонли саналар муносабати билан тарғомимизда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, кескалар ҳолидан хабар олиш, соҳа фахрийлари билан учрашувлар ташкил этиш, уларнинг ҳай ҳайъати тажрибасини ёшларга ибрат қилишга эътибор қаратилади.

Маънавий масалаларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратаётган юртга байрамлар ярашади. Кишилар шод, юрт обод бўлаверади.

АКТ ёрдамида

Жорий йилнинг май ойидан эътиборан, Сурхондарёда ариза билан мурожаат қилган фуқароларга биометрик паспорт берилмоқда. Визят ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш ва кириш, фуқароликни расмийлаштириш бўлими инспектори, капитан Халил Хайдаровдан олинган маълумотга қараганда, ҳозиргача икки минг нафардан зиёд фуқарога янги, жаҳон андозаларига мос паспорт топширилди.

Муҳими шундаки, бу жараёнда ҳам Махборот-коммуникация технологияларидан асосий восита сифатида фойдаланилмоқда. Бу орқали уни қалбакилаштиришга ўхшаш номанкул ҳаракатларга уришиш батамом барҳам тоғди. Эътиборлиси, бу паспортнинг орқа муқовасига жойлаштирилган махсус қурилма (чип)га паспорт эгасининг биографик ва биометрик маълумотларининг электрон нусхаси киритилмоқда. Қолаверса, лотин графикасида ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган паспортга фуқаро фотосурати босмалаш усули билан жойланган. Бу фотосурат махсус электрон қурилма ёрдамида олинган ҳолда фуқаронинг бармоқ излари ҳам шунда тарзда туширилмоқда.

— Мен ҳамкасбим Қурбон Хўжаев билан янги биометрик паспортни бир вақтда олдим, — дейди Шерзод Аллаёров хурсанд ҳолда. — Бу бизга энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан унутилмас воқеа бўлди. Энди шу азиз Ватанимиз учун янада кўп ва самарали хизмат қиламиз.

— Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини таъминлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга Сурхондарё вилоятида ҳам астойдил киришилмоқда. Яқин орада ахборот-коммуникация технологиялари асосида ишлайдиган махсус электрон қурилмалар барча туманларга етказиб берилди. Шу тариқа Президентимиз қарориди кўзда тутилган вазифаларни бажаришга кенг ёндашилмоқда. Хусусан, вилоятда истиқомат қилаётган кексалар ва ногиронларга қўшимча шароит яратиш учун биометрик маълумотларни йиғишга мўлжалланган ҳаракатдаги станция хизмати йўлга қўйилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги муҳбири

Нормурод ОРЗИҚУЛОВ,
Қарши ПАТ бошлиғи

Истиклол тухфаси

ТОШКЕНТ

Шу йилнинг 22 август куни пойтахтимиздаги 218-АТС биносидида режалаштирилган илк бешта "Ягона ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатувчи савдо офисининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



йўлга қўйиш мумкин. Авваллари бу хизматларга уланиш учун компаниянинг турли офисларига мурожаат қилишга тўғри келарди.

"Ягона ойна" офисларини лойиҳалаш, техник жиҳозлаш, уларда иш юритувчи ходимларни танлашга компания жиддий ёндашган. Бутун мамлакат бўйлаб, у шаҳар бўладими ёки туман, янги очилган офислар бир хил кўриниш ва имкониятга эга, хизмат кўрсатиш сифати ҳам бир.

Таъкидлаш лозимки, "Ўзбектелеком" АК томонидан 2012 йилда бутун мамлакат бўйича жами 80та савдо хизматлари офисларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ўтган йили 50та шундай янги офис очилганди.

Ўз мухбиримиз

КАСБИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан Касби туман марказида "Ягона ойна" тамойили асосидаги телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи савдо шахобчаси ўз фаолиятини бошлади.



Марказнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, Касби туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, жамоат ташкилотлари ходимлари, нурунийлар, туман телекоммуникация боғламалари бошлиқлари, алоқа корхоналари раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Маросимни "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали директори Жуманазар Бозоров кириш сўзи билан очиб, бу каби шахобчаларнинг туман аҳолиси учун хизмат қилиши ҳамда мижозларга универсал хизматлар тақдим этилишини таъкидлаб, мустақиллик кунига қадар вилоятнинг Ғузор, Яксабоб, Қамашли ва Муборак туманларида ҳам бу каби марказлар фаолият бошлашини айтиб ўтди.

Касби туман марказида замонавий талаблар асосида қайта ётилган офис шинам ва кўркамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тест синовлари асосида танлаб олинган ёш мутахассислар мижозларга телефон алоқаси, интернет, CDMA стандартидаги мобил алоқа хизматларини кўрсатади.



Давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан республикадаги фаолият бошлаган марказларни иштирокчилар видеоонлайн орқали кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Ишанходжаев тадбир иштирокчиларини истиклол байрами билан табриклаб, вилоят алоқачилари билан мулоқот ўтказди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг

Қашқадарё вилотидаги мухбири

ФАРҒОНА

Ўтган йили ҳам энг азиз, энг улуғ байрагимиз арафасида "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида "Ягона ойна" сотув офислари очилиши маросими катта шодиёна руҳида ўтказилган эди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрамига ҳам катта ҳозирлик билан келинди.

Янги "Ягона ойна" масканлари учун Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзесида ва Қувасой шаҳридаги бинолар реконструкция қилинди. Бу ҳар жиҳатдан қулай ва сифатли хизматлар учун яратилган савдо нуқталарининг очилишини вилоят аҳолиси зўр мамнуният билан кутиб олди.

Қирғулидаги "Ягона ойна" маркази очилиши маросимида филиал директори Раҳмонберди Каримжонов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Акмал Пўлатовлар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Ишанходжаев ҳамкорлик ва эътибор учун Фарғона вилояти ҳокимлигига ташаккур билдирди ва маросимларнинг барча қатнашчиларини яқинлашиб келаётган энг азиз ва энг улуғ байрагимиз билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Носиров бу ерда иш бошлаган ёш мутахассислар билан мулоқотда марказда яратилган ушбу гўзалликни асраб-авайлаш — Uztelecom савдо беглиси обрў-нуфузини



тобора ошира бориш, мижозлар ишончини қозонишдек масъулиятли ишларда уларга муваффақиятлар тилади.

Мижозлар билан суҳбатлар ҳам жуда кўнгилли кечди.

— Бу ерда таъмирлаш ишлари кетаётганидан хабарим бор эди, — деди фахрий Мухаббатхон опа Исроилова. — Лекин шу даражада кўркам ва шинам бўлиб кетишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Телефон ҳақини пластик карточка орқали тўладим. Бир зумда телефонимни ёқилди. Раҳмат!


Қувасой шаҳридаги "Ягона ойна" тамойили асосида ишловчи савдо масканининг иш бошлашига бағишланган маросим ҳам хушнудлик руҳида ўтди. Тадбирда Қувасой шаҳар ҳокими ўринбосари вазиасини бажарувчи Салимжон Нишонкулов сўзга чиқди.

Шундай қилиб, вилоятда "Ўзбектелеком" АК хизматларини сотувчи масканлар сони (Қўқон ва Марғилон шаҳарларида биттадан, Фарғона шаҳрида учта, Қувасой шаҳрида битта) олтигача етди. Мижозлар бу масканларда ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олишмоқда, битта жойнинг ўзидида интернет хизматларидан тортиб, CDMA-450 стандартидаги мобил ва стационар алоқа хизматларидан фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, янгича қиёфа касб этган масканларда "ЎзМобайл" телефон аппаратлари ва ўзимизда ишлаб чиқарилган ТВ понерлар сотуви амалга оширилади.

Тез кунларда Фарғона шаҳридаги 225-АТС биносидида ҳамда Олтиариқ ва Фарғона тумани маркази — Водилда "Ягона ойна" марказларини очиб қўзда тутилмоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА,

"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



Xalqaro
hayot

● **АФРИКА**дан кириб келган иссиқ оқим натижасида Европанинг аксарият мамлакатларида август ойи учун хос бўлмаган юқори ҳарорат кузатиляпти.

Ўтган якшанба Парижда термометр 39 даражани кўрсатишига бир баҳа қолди. Франция марказидаги Монживре шаҳарчасида 42,2 даражали рекорд кўрсаткич қайд этилди. Мамлакатдаги 100та департаментдан 33тасида иккинчи даражали "тўқ сарик" хавфсизлик тартиби жорий этилди.

Аппенин яриморотида эса вазият бундан-да мушкул: Италиянинг камида 13та шахрига 40 ва ундан юқори даражали жазирама захрини сочмоқда. Ўрмонлар ва қишлоқ хўжалиги экинларига ўт тушиши, ёзги таътиллари Италияда ўтказатган сайёҳларнинг хавфсизлиги каби масалалар мутасаддиларни ташвишга қўйган.

● **ФИЛИППИН**да узоқ давом этган ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди. Табиий офат натижасида 70дан ортиқ киши қурбон бўлган, 350дан ортиқ уй бутунлай вайрон бўлиб, 3 мингга яқин иншоотга шикаст етган.

Мамлакат пойтахти — 12 миллион кишилик Манила табиат инжикликларидан четда қолмади. Бу ерда икки кунда бир ойлик меъёрга ёмғир ёққан ва мегаполиснинг бешдан тўрт қисми сув остида қолгани маълум қилинмоқда.

● **КЕНИЯ**да қабилаларо тўқнашув 48 кишининг умрига зомин бўлди. Қирғин шу ҳафтанинг чоршанбага ўтар кечаси Тана дарёсига туташ ҳудудда бошлангани "Франс Пресс" агентлиги хабарида маълум қилинган.

Бу сўнгги беш йилда мамлакатда кузатишган энг йирик қирғинбаротдир.

● **ГЕРМАНИЯ** Меҳнат вазири Урсула фон дер Ляйеннинг фикрича, меҳнат интизомини болаликдан шакллантириш ва дарсларга келмаган мактаб ўқувчиларини жаримага тортиш керак. Дарвоқе, унинг ўзи етти фарзанднинг онаси.

Дер Ляйен хонимнинг айтишича, мунтазам дарсларни қолдиришга одатланганлар келгусида ишсизлар сафини тўлдирди. Статистикага кўра, кунига ҳар олтинчи немис ўқувчиси мактабга келмайди, ишсизлик бўйича узоқ муддатли нафақа олувчиларнинг тенг ярмини эса мактабни битирмаганлар ташкил этади.

Жаримага, табиийки, болалар эмас, уларнинг ота-оналари тортилади. Бу борада аниқ таклиф ишлаб чиқилганича йўқ, дангаса ўқувчиларнинг ота-оналарини жазолашнинг энг мақбул усулларидан бири сифатида болаларга бериладиган нафақа пулини қисқартириш ёки бекор қилиш кўзда тутиляпти.


● **ҚОҲИРАГА** Халқаро валюта жамғармаси директори Кристин Лагард ташириб буюрди. У Миср раҳбари Мухаммад Мурси билан ҳам учрашади.

Томонлар Қоҳирага иктисодиётини барқарорлаштириш учун 4,8 миллиард долларлик ёрдам кўрсатилиши масаласида бир тўхтамага келиб олишлари керак. Экспертлар музокараларнинг боши берк қўчага кириб қолиши мумкинлигини тахмин қилинмоқда.

ДНК — энг зўр сақловхона

Тадқиқотчиларнинг айтишича, ДНКбу — "табиий каттик диск" бўлиб, унда инсон организми ишлаши учун хизмат қиладиган дастурлар ёзилган. ДНК молекулалари эса энг зич ва барқарор медиа-ташувчилар ҳисобланади. Назарий жиҳатдан, ДНК молекуласи ҳар бир нуклеотид учун икки битга ахборот сақлай олади. Умуман олганда эса, инсон ДНКси жами 455 экзобайт сифимга эга (тахминан 100 млрд. DVD-дискка тенг). Мутахассислар бу ақл бовар қилмас катта ахборот биргина хужайрада сақланишини айтишмоқда. Сўлаштирадиган бўлсак, ДНК молекуласидаги ахборот сақлаш зичлиги замонавий флеш-хотираларникидан 6-7 баравар кўпдир.

Шунга қарамадан, ДНК усулида сақлашнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор экан. Биринчидан, молекуланинг яхлитлиги



рахна солмасдан унда ахборотни кодлаш жуда қийин масала, иккинчидан, кейинчалик бу ахборотни ўқиш ўзига яраша сермашаккат жараён.

Жорж Черчининг айтишича, унинг гуруҳи ДНКда ишлаш бўйича стратегияга эга бўлиб, унга кўра, ДНК

кичик шўъбаларга бўлинади ва улар алоҳида сақланади. Яъни молекула юзлаб қисмларга ажратилади. Бундан ташқари, мутахассислар рақамли кодлаш бўйича ўз тизимларини ҳам ишлаб чиқирган: унда баъзи аминокислоталар нул, баъзилари бир сифатида қайд этилади.

Қўлингизни
ювдингизми?

XXI асрга келиб ҳам кундалик турмушда, ҳатто шифохоналарда қўлнинг тозаллиги ва инфекциянинг тарқалиши муаммо бўлиб қоляпти. Қўллар вақтида, атиги 15 сонияда бўлса-да, тозалаб ювилса инфекциянинг тарқалиши бир неча маротабага камаяркан.



Бир қарашда оддийгина туюлган бу қоғозда амал қилмаслик оқибатида сайёрамиздаги миллионлаб кишилар ошқозон-ичак касалликлари, жароҳатларнинг тез битмаслиги ва ҳоказо нохуш ҳолатлардан азият чекишмоқда.

Исроилнинг HygineX компанияси муаммонинг ечими сифатида оддий ва универсал восита ишлаб чиқди. Бу билагузук ёки соатга ўхшаш енгилгина мослама бўлиб, реал вақт тартибида қўлингизнинг тозаллигини кузатиб боради, жониз бўлса, қўлингизни ювишингизни ва микроблардан ҳалос бўлишингизни маслаҳат беради. Ҳозирча янги мослама қўли энг тоза бўлиши талаб этиладиган тиббиёт ходимлари учун тавсия этилмоқда.

Рақамли билагузук сув ўтказмайди. Унга LED-датчиклар ўрнатилган. Яна бир эътиборли томони, гигиенани кузатиб борувчи бу билагузук тиббиёт ходимларининг ишини назорат қилувчи компютерга маълумотларни узата олади.

HygineX компаниясига 2008 йили асос солинган. Компания асосчиси Эфрат Райхманнинг айтишича, унинг амакиси шифохонада юктирган инфекция оқибатида оламдан кўз юмган экан. Бу фожеа Эфратни тозаллик посбони бўлган қурилма ясашига ундади. Райхман рақамли билагузук инсонларнинг умрини сақлаб қолиш билан бирга, тиббиёт тизимидаги харажатларни қисқартиришига ҳам умид қилмоқда.

АТ-хабарлар

● **Н**ю-Йорк биржасидаги савдолардан сўнг Apple акциялари янада қимматлашиб, компанияни капиталлаштириш даражаси 623 млрд. долларни ташкил этди — бу рекорд натижа (1999 йили Microsoft 618,9 млрд.га баҳоланганди). Айни пайтга келиб Microsoftнинг акциялари уч бараварга арзонлашиб кетган ва 258,2 млрд. долларга тенгдир.

Ҳозирги кунда расман дунёнинг энг қиммат компанияси айнан Apple ҳисобланади. Унинг энг яқин таъқибчиси — Exxon Mobil нефть-газ компанияси "бор-йўғи" 405,8 млрд. долларга баҳоланмоқда.

● **Ў**тган ҳафта Хитой ва Тайванни боғловчи биринчи сув ости телекоммуникация кабели ишга тушди. Бу Пекин ва Тайбей ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг изга тушиб бораётганидан ғалат беради.

Иккита оптик толали кабел Хитой жанубидаги Сямин шаҳридан бошланиб, 200 километр ҳамаси узоқликдаги Тайваннинг Цинмен шаҳрини боғлади. Расман лойиҳа қиймати ошкор қилинмаган, шунга қарамадан, Chunghwa Telecom, шунингдек, Хитойнинг уч оператори ҳамкорлигида бу иш амалга оширилгани ҳақида маълумотлар бор.

● **А**pple компанияси АҚШда телевизор кўраётганда ёки радио тинглаётганда фойдаланувчи учун керакли бўлмаган контент, хусусан, рекламани ўчириб қўйиш имконини берувчи технологияси учун патент олди.

Тизим автоматик тарзда ишлашдан ташқари, фойдаланувчи уни ўзи мустақил созлаши ҳам мумкин.

● **S**trategy Analytics компанияси маълумот тарқатишича, шу йил охирига бориб, АҚШда онлайн музкий ёзувлар савдоси илк бор оптик сақлагичлар (CD/DVD ва бошқалар)да сотилаётганларидан ошиб кетади.

Умуман олганда эса, ҳозир ҳам жаҳонда оптик дисклар монопол бўлиб турибди ва бу жараён камида 2015 йилгача давом этиши мумкин.

Энг юқори тезликдаги интернет тармоқларига эга АҚШ, Швеция, Жанубий Корея каби мамлакатларда аҳоли асосан онлайнга мурожаат қилмоқда.



Собит АХАДОВ тайёрлади

Қалбларда байрам шукуҳи

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 21 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бугун ҳар бир қалбда байрам шукуҳи жўш ураётир. Жонажон Ватанимизнинг қайси бир жойига борманг, истиқлол нафаси сезилиб турибди. Ушбу байрам республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг онгу шуурида, қалбда яшамокда.

Бундан йигирма бир йил мукаддам экилган Мустақиллик ниҳоли бугун тобора ривож топиб, кўкка бўйлаётир. Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохот ва янгиланишлар мазмун-моҳиятига кўра юрт тинчлиги, эл фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад ва муддаомизга ҳамоҳанг эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Истиқлол туфайли юртимиз жаҳонга юз тутди. Бир неча минг йиллик тарихга эга шаҳарларимиз, табаррук қадамжоларимиз эъзоз топди. Улар жаҳон аҳли доимо талпиниб яшайдиган гўшаларга айланди. Жонажон юртимизда бир пайтлар ташландик ахволга келиб қолган буюк бобоқалонларимиз қадамжолари айта таъмирланди. Президентимиз раҳнамолигида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Мотуридий, Марғиновий, Ҳазрати имом (Хастимом) каби қўллаб буюк аждодларимизнинг мақбаралари таъмирланиб, ҳурматлари жойига қўйилди. Бу, албатта, мустақиллик даврида амалга оширилган ишларнинг кичкина бир дебочаси, холос. Бу эса Ватан тақдир ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб бораётганини кўрсатади.

Республикамиз мустақиллиги телевизор орқали эълон қилинганда, отамнинг кўзларидан севиңк ёшлари чиқиб кетганди: Ҳақиқат бор экан-ку! Ниҳоят, ҳақ қарор топди, деганлари ҳамон кулоқларим остида кечагидай жаранглаб турибди. Ҳа, мустақиллик ота-боболари-

мизнинг азалий орзуси эди. Шунда отам бу кунларни не-не инсонлар кўролмайдиган, мустақилликнинг қанчалик улғу ва мукаддас эканлигини биз қанчалик орзиқиб кутганимизни тасвирлаб беролмайман, деганди. Бу саодатли ва кутлуг кунларнинг қадрига етиб, унга муносиб фарзанд бўлиб хизмат қилиш шу мустақил юрtdа яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчи ҳамда вазифасидир.

Мамлакатимиз ҳаётининг қайси жаб-хасини олмайдиган, эркинлик ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз амалий ишлар билан қандай буюк марраларга эришишга қодир эканини намоян этиб бормоқда. Кишлоқлардаги бунёдкорлик ишларини айтасизми, машинасозлик, таълим, спорт, иқтисодиёт, маънавият, қўйинг-чи, барча соҳаларда улкан тараққиёт эришилмоқда. Бунинг исботи эса тобора чирой очиб бораётган юртимиз жамолида, мўл-кўл хирмонлар, жойларда юз бераётган туб ўзгаришларда кўринмоқда. Буни эса диёримизда барпо этилаётган янги-янги корхоналар, мухташам иншоотлар, шинам тураржойлар, равон йўллар ва коммуникациялар мисолларида кўриш мумкин.

Яқинда қўшним Олим ака Турсунов билан суҳбатлашиб қолдим. Олим ака ҳозирги дориломон кунларга шукроналар айтиб, шундай деди:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари тахсинга сазовор. Пойтахтимизда амалга оширилаётган ишларга бир назар ташласангиз,



**Истиқлол ўзликини
англаш, халқимизнинг
асрий қадрият ва
аънавларига қайта
жон бағишлаш баро-
барида, мустақил
тараққиёт йўлини
белгилаб олиш имко-
нини берди. Бу йўл
Ватанимиз учун барча
соҳаларда ривожла-
ниш, юксалиш, жаҳон
ҳамжамиятида муно-
сиб ўрин эгаллаш
даври бўлгани қалб-
ларни ғурурга, қувон-
чларга тўлдиради.**

бир йил ичида қачадан-қанча мухташам бинолар қад кўтарди. Биргина пойтахтимиз марказидаги Навоий кўчасининг ўзида бунёд этилаётган етти қаватли тураржой биноларини кўриб ҳавасинг келади. Бундай ўзгаришлардан кўзинг қувнайди, яшаган сари яна яшагинг келаверади. Бундай дориломон кунларнинг қадрига етишимиз керак.

Яқинда Самарқанд шаҳрига саёхатга бордик. Бу гўзал ва афсонавий шаҳарда илгари ҳам бир неча маротаба бўлгандим. Бирок бу сафар боғимизда Самарқандни таниёлмай қолдим. Шаҳар бекиёс даражада ўзгариб кетибди. Жаннатмонанд Самарқанд деб китобларда ўқигандим. Аммо бундай чиройли ва гўзал бўлишини энди кўришим. Шаҳарнинг ободончилиги, йўлларнинг равонлиги, бунёд этилган мухташам иморатларнинг гўзаллиги, тарихий обидаларнинг қайта таъмирланганлиги мени дол қолдирди. Бундай ишларнинг барчаси мустақиллигимиз, юртимиз тинчлигининг меvasидир. Илоҳим юртимизга кўз тегмасин!

Истиқлол ўзликини англаш, халқимизнинг асрий қадрият ва аънавларига қайта жон бағишлаш баробарида, мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиш имконини берди. Бу йўл Ватанимиз учун барча соҳаларда ривожланиш, юксалиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани қалбларни ғурурга, қувончларга тўлдиради.

Зеро, ривожланган қудратли давлат, аввало, унда истиқомат қилаётган аҳолининг юксак маданияти, маънавияти ва интеллектуал салоҳияти билан ажралиб туради. Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турар эканмиз, юртимиз ободлиги ва фаровонлиги учун меҳнат қилаётган инсонларнинг ишларига ривож, уларга сихат-саломатлик доимо ёр бўлсин деймиз.

Иzzат АХМЕДОВ

Компютерлашган корхонада

Жарқўрғондаги "Сурхонтекс" қўшма корхонасининг ип йигирув цехини айланар эканмиз, истиқлол қудрати бекиёслиги-ю, имкониятлари кенглигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Германия, Швейцария ва Хитой мамлакатларидан келтирилиб, рисоладагидай ўрнатилган дастгоҳлар ортқча шовқинсиз бир неча жараёни бажармоқда. "Бажармоқда" сўзига урғу бераётганимизнинг боиси бор: корхона юз фоиз компютерлашган!

Таърибали ишчи, "Меҳнат шукрати" ордени соҳибаси Гулчехра Баротова фаолиятини бир зум кузатиб турдик. Унинг нигоҳи ҳам, диққат-этибори ҳам ёнида ёниб турган компютерда. Бириктирилган 21та дастгоҳ ҳаракати аини шу жойдан бошқарилиб турибди. Қайси дастгоҳда йиғириляётган ип узилса, албатта, компютернинг мунчоқ кўзлари ёнади. Борди-ю, уни автоматик тарзда улаб юборишга дастгоҳ улгурмай қолса, юз берган нуқсонни тузатиш учун керакли ёрдам сўралади. Тезкорлик иш унуми пасайишига асло ҳожат қолдирмайди.

Гулчехрагон оддий дехкон фарзан-

ди. Тумандаги Соқчи кишлоғида яшайди, чорак асп мукаддам Жарқўрғон ип йигирув ва тикув фабрикаси иш бошлаганини эшитган, дугоналари қатори у ҳам шаҳарга ошқиди. Шундан бери корхонада ишлаб бахт, иқбол топди. Ҳозир оилавий меҳнат қилмоқда. Турмуш ўртоғи ҳам қўшма корхонада ишляпти.

— Мен яқин ўтмишимиздан нолиш фикридан узокман, — дейди Гулчехра Баротова икки давр нафасига муносабат билдираркан. — Аммо, эркин қўлнинг бўлса, бошқача экан. 2004 йилда фабрикамиз қўшма корхонага айлантирилган, иш унуми ва маҳ-

сулот сифатида туб ўзгариш рўй берди. Дастгоҳларни компютер ёрдамида бошқариш, исталган пайтда цех ва корхона бошлиғи билан телефон орқали боғланиб, йўл-йўриқ олиш, айрим муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятларига эга бўлдик.

Дарҳақиқат, тадбиркор инсон Ёқубжон Махмудовнинг саъй-ҳаракатлари сабаб хорижлик ишбилармонлар назари Жарқўрғонга ҳам қаратилди. Мақсад йўлида умумий тил топиб, ўртага ҳамжихатлик "қўприги" мустаҳкам ўрнатилди. Тараққиёт омили ҳисобланган замонавий технологияларни бошқариш учун ходимлар қайта тайёрланди, жамоа аъзолари ахборот асри талаблари ўзларини ҳам ҳушёрликка ва зукколикка чорлаётганини дилдан ҳис этишди. Натижада ўтқир зехн билан компютерда ишлашни ўрганишди.

Қўшма корхонанинг таъмирлаш бўлими устаси Эшдавлат Қўзиев ҳам янги давр йўналишига мослашди. Компютер билан бошқариладиган ип йигирув дастгоҳлари унумдорлиги барқарорлигини таъминлаш учун кўпроқ маънавий куч-қувват зарурлигини англаб етди. Шу боис унинг самарали хизматлари муносиб тақдирланди. Мустақиллик кунининг 20 йиллиги муносабати билан Эшдавлат Қўзиев Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонию мувофиқ "Меҳнат шукрати"

ордени билан тақдирланди.

— Ўз тақдирини жамоамиз билан боғлаб, ҳалол меҳнат, эзгу нияти билан бахтини топган ҳолда эркин ва обод Ватанимиз раънақига муносиб ҳисса қўшаётган бундай ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимларимиз оз эмас, — дейди мамнунлик билан ҳамроҳимиз, "Сурхонтекс" қўшма корхонаси раҳбари Ўроқ Хайдаров. — Улар меҳнати билан тайёрланаётган махсулотларимизнинг 10 фоизини ташки бозорга чиқариб, мустақил мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда ўз ўрнини тошганмиз.

Қўшма корхона раҳбарининг бу мулоҳазалари фахрлинишга аризуликдир. Аҳил жамоа аъзолари замонавий технологиялар асосида ишлаб, энг улғу, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 21 йиллигини ёруғ ўз билан кутиб олишмоқда. Йил бошидан бери қарийб 1900 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. 2 миллион долларга тенг махсулот Украина, Россия ва Пошша мамлакатларига экспорт қилинди.

Айни пайтда "Сурхонтекс" қўшма корхонасининг тўқув цехи ҳам модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳозланмоқда. Бу шохобча йил охиригача компютерлашган ҳолда ишга туширилади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири



Қўшма
Қўшмани ўтқазмасанг — қўқармас,
Мақсадни истамасанг — топиламас.

Ўзбек халқ мақоли

Экспертиза

специализированных программных продуктов государственных органов

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий" с 1 августа 2012 года специализированные программные продукты, вновь разрабатываемые или закупаемые в рамках Национальной информационной системы для государственных органов, подлежат обязательной предварительной экспертизе и могут быть установлены с разрешения УзАСИ.

Для реализации возложенных на УзАСИ обязанностей в ГУП "UNICON.UZ" создано подразделение, которое будет осуществлять работы по проведению экспертизы специализированных программных продуктов.

Экспертиза специализированных программных продуктов государственных органов предполагает проверку внедряемого в эксплуатацию программного обеспечения на соответствие требованиям, которые предъявляются к характеристикам программного обеспечения государственных органов и к их функционированию в рамках единой системы.

Проведение экспертизы необходимо для обеспечения реализации единых и унифицированных подходов в работе отдельных подсистем Национальной

информационной системы и их взаимодействия между собой.

Экспертиза осуществляется путем тестирования функциональных и нефункциональных возможностей программных продуктов на предмет их соответствия установленным требованиям, проведения аналитического обзора пользовательской документации на программный продукт.

Согласно руководящему документу RH 45-245:2012 "Положение о проведении экспертизы специализированных программных продуктов, внедряемых в рамках Национальной информационной системы", обязательной экспертизе подлежат программные продукты, специально внедряемые для использования в информационных системах органов государственного и хозяйственного

управления, органов государственной власти на местах в рамках Национальной информационной системы и не являются программным обеспечением по созданию инфраструктуры для работы информационных систем (а именно системами управления базами данных, операционными системами, серверами приложений и прочее). В данном случае специализированный программный продукт — это программное обеспечение, предназначенное для автоматизации специфической деятельности по обработке информации. Например, системы сбора, обработки и систематизации информации для налоговых органов, Министерства финансов и т.д. Основной перечень наименований информационных систем, внедряемых в рамках Национальной информационной системы, приведен в приложении 2 к Постановлению.

Цикл экспертных исследований осуществляется в несколько этапов:

1 этап — прием заявления и необходимой документации и материалов для проведения работ. В рамках этапа проводится проверка соответствия представленной документации требованиям, предъявляемым к заявке, заключе-

ние соглашения о конфиденциальности и договора (контракта) на проведение экспертизы;

2 этап — в рамках заключенного договора проводится подготовка к проведению работ по экспертизе, составление и согласование плана и программы экспертизы;

3 этап — осуществление запланированного комплекса работ по проведению экспертизы;

4 этап — завершение экспертизы и выдача разрешения. В рамках этапа проводится анализ полученных результатов, формируется экспертное заключение и со стороны УзАСИ выдается разрешение на использование программного продукта.

Экспертиза осуществляется на соответствие действующим нормативам и требованиям, предъявляемым к программному обеспечению органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, и требованиям по интеграции специализированных программных продуктов в Национальную информационную систему.

В ГУП "UNICON.UZ" созданы необходимые условия и инфраструктура для проведения экспертизы специализированных программных продуктов, внедряемых в рамках Национальной информационной системы.

Григорий ЦОЙ, специалист ГУП "UNICON.UZ"

Исполняется 60 лет известному в Хорезме человеку, непрерываемому авторитету в сфере культуры и искусства, директору областного информационно-библиотечного центра Рахимбаю Курбанову - автору многих статей и комментариев, опубликованных в областных газетах.

За годы, отделяющие нынешнюю юбилейную дату от предыдущей, полувековой, в жизни Рахимбая Курбанова произошло много событий, наполнивших её новым содержанием. Рахим Сабирович женил сына, выдал замуж дочь, дети подарили им с супругой Розой трех внуков. В 2007 году Рахимбай Курбанов был назначен директором областного информационно-библиотечного центра, который является координирующим органом всей библиотечной системы Хорезма.

Унаследованное от отца трудолюбие, а вместе с ним инициативность и предприимчивость проявились у Рахимбая — выпускника факультета библиотечного дела и библиографии Ташкентского педагогического института в областном управлении культуры, где он начал трудовую деятельность инспектором. Деловые качества молодого специалиста, прежде всего исполнительность, не могли остаться незамеченными и вскоре его назначили начальником городского отдела культуры города Дружбы.

В новой должности в полной мере раскрылись организаторские способности Рахимбая Сабировича. За два года новому руководителю удалось сделать намного больше, чем всем его предшественникам. В городе открылись четыре библиотеки, в том числе две юношеские. Во Дворце культуры "Гидростроитель"

Линия жизни

отдел организовал работу самодеятельных кружков, обеспечил их всем необходимым. Открылись новые классы в детской музыкальной школе.

В новую должность он вступил, имея за плечами опыт руководящей работы, что не могло не сказаться на скором его назначении заместителем начальника управления. В круг обязанностей Рахимбая Курбанова вошло курирование всех основных участков культуры. У нового "зама" значительно расширились полномочия, а вместе с тем повысилась ответственность за порученное дело.

Много времени отнимала работа по пополнению фондов библиотек, обеспечению их техническими средствами. Из отдаленных кишлаков, в которых располагались сельские библиотеки, часто приходилось спешить на просмотр спектакля в облатеатре, или музей — заповедник Ичанкала, где велись реставрационные работы. Требовались решения проблемы картинной галереи, музыкальных школ, профильных образовательных учреждений.

Организаторские способности, широкий кругозор, глубокие познания в хореографии, сценическом и музыкальном искусстве выдвинули Рахимбая Курбанова художественным руководителем проводимых в области общественно-политических мероприятий. Украшением торжеств посвященных 2500-летию Хивы, открытию мемориальных комплексов Авеста и Жалолиддина Мангуберди, празднованию Дня независимости и Навруза стали подготовленные под его непосредственным руководством театрализованные представления и музыкально-хореографические композиции. За активное участие в их создании Рахимбай Курбанов удостоен почетного звания "Отличник культурно-просветительской работы" нагрудного знака "Отличник народного образования Узбекистана", Почетной грамоты областного хокимията.

На должность директора Хорезм-

ского ИБЦ с учетом большого практического опыта был назначен Рахимбай Курбанов. За короткий срок ему удалось сплотить коллектив на решение основной задачи — трансформировать областную библиотеку из хранилища книг и журналов в центр электронных ресурсов. Сегодня ИБЦ установлено более пятидесяти единиц электронного оборудования. В стенах его функционируют компьютерный зал, локально-компьютерная сеть с выходом в интернет и "ZiyoNET". В числе первых в республике здесь приступили к созданию электронной библиотеки, в фонд которой уже вошли свыше трехсот экземпляров оцифрованных печатных изданий.

По инициативе директора в ИБЦ создан краеведческий музей, экспонаты которого служат информационной базой для медиа-продуктов. На их основе созданы озвученные видео-ролики "Хорезм", "Авеста", "1000 осколков золотого саза", "Шахнаме". Все они вошли в собственную видеотеку, и пользуются большой популярностью у посетителей.

Работники центра поддерживают деловые связи с коллегами ведущих библиотечных учреждений США и других зарубежных стран. Входят в состав делегации по обмену опытом информационно-библиотечной деятельности.

— Процесс реформирования библиотечной системы требует комплексного подхода, — считает Рахимбай Курбанов. — Обновляя формы обслуживания населения нельзя забывать о том, что фонды ИБЦ достигли 600 тысяч экземпляров печатных изданий. В секторе редких книг собраны и бережно хранятся более двух тысяч библиотечных документов, из них 600 — рукописные памятники. Всё, чем располагает сегодня центр — бесценное богатство, являющееся достоянием народа.

В этом утверждении юбиляра его кредо, его линия жизни.

О.АЛЕКСАНДРОВ

SAMSUNG GALAXY S III

теперь продается в офисах "Билайн" по всему Узбекистану

Единый оператор связи "Билайн" первым из операторов Узбекистана начинает официальные продажи третьего поколения смартфонов Samsung GALAXY S III по всей территории Узбекистана.



Теперь его можно приобрести во всех собственных офисах компании. Стоимость Samsung GALAXY S III составляет 2 200 000 сум для физических лиц и \$970 — для корпоративных клиентов независимо от формы оплаты.

"С момента начала продаж GALAXY S III в ташкентских салонах "Билайн" к нам поступало множество заявок на его приобретение из-за пределов столичного региона, — комментирует событие Директор по региональному развитию Unitel Абай Коланов. — Мы обеспечили широкую дистрибуцию этой модели, и теперь флагманский смартфон Samsung доступен жителям всех областей с бонусами от нашей компании".

Напомним, что приобретая Samsung GALAXY S III, клиенты "Билайн" получают в комплекте со смартфоном золотой номер номиналом \$300 и платиновую карту привилегий Beeline Club.

Xalq.Oborot +tv

ДУШАНБА — 27 АВГУСТ

6.55 Курсуларлар дастури.
6.59 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Олам ва одам" дастури: "Замон тарғиботлари".
7.15 "Ислом".
7.20 "Қўлиқ қўлиқ истайди".
7.30 "Ҳў қўлиқлари". Т/с.
8.00 "Тахсилнома".
8.40 - 9.30 "Манагин" дастури.
9.30 "Умр қўлиқ".
10.05 "Ислом".
10.10 ТелТел: "Қомитиндин ўрғина".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Айбоб".
11.10 "Қўлиқ замон оғиллари".
11.45 Қўлиқнинг бирси.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Қўлиқ қўлиқ истайди".
13.00 Ўзбекистон Республикаси мухторлигининг 21 йиллиги.
"Эрзи ва обод Ватан".
13.20 "Ватанлар".
14.00 "Айбоб".
14.15 Миллий сериал: "Лола".
14.50 "Рағбат дин".
15.15 "Ислом".
15.20 Миллий синас: "Алломин".
16.00 "Ихти дарё оғиллари".
16.00 "Айбоб".
17.10 "Қўлиқдан махсублар".
17.50 "Эрзи ва обод Ватан".
18.00 "Қўлиқ қўлиқ истайди".
18.10 "ТВ - шифорат".
18.15 "Ватан манзиллари".
18.30 "Ифтибор".
18.35 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
19.10 Ўзбекистон Республикаси мухторлигининг 21 йиллиги.
"Эрзи ва обод Ватан".
19.25, 20.00, 20.55 Эшқар.
19.30 "Айбоб". Т/с.
20.05 "Олтин мерос".
20.15 Миллий сериал: "Лола".
21.00 "Айбоб".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мухторлигининг 21 йиллиги.
"Эрзи ва обод Ватан".
22.00 "Ишбандарнинг Т/с".
22.45 "Ислом".
22.50 "Шамол ва жаҳуд". Т/с.
23.00 - 23.55 "Оғил".
23.55 Курсуларлар дастури.
00.00 "Ватан манзиллари".
00.15 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
00.50 "Қўлиқ қўлиқ истайди".
6.00 "Айбоб". Т/с.
1.30 - 2.30 "Манагин" дастури.
2.30 Миллий сериал: "Лола".
3.00 "Олтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Айбоб".
4.35 ТелТел: "Қомитиндин ўрғина".
4.40 "Саломатлик сирлари".
5.45 "Ихти дарё оғиллари".
5.50 - 5.55 "Оғил".




6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ихтидор қўлиқдан номлар".
6.30 "Ихтидор номлари".
6.50 "Пайза".
7.30 "Муштаннома".
8.00 "Ихтидор".
8.20 Миллий сериал: "Балон наф".
9.00 "Спортнинг қўлиқлари".
9.10 "Ихтидор".
9.20 Миллий сериал: "Эрзи ва обод Ватан".
10.00 "Қомитиндин ўрғина".
10.10 "Соғлом оғил".
10.30 "Шерар". Б/ф. 1-қисм.
11.30 "До-ми-со".
11.50 "Миллий муштаннома".
12.10 "Домар". Т/с.
13.10 "Домардан йироқда". Б/ф.
13.30 "Ихтидор".
14.50 "Шамолнинг қўлиқлари".
15.10 Миллий сериал: "Балон наф".
15.50 "Ихтидор соғлом".
16.00 "Домар".
16.10 "Афсона ва қўлиқ".
16.30 "Домар".
16.50 "Тахсилнома, Ватанин".
17.00 "Сен сенин". Б/ф. 1-қисм.

18.30 "Ихтидор номлари".
18.50 "Ихтидор".
19.00 "Домар".
19.20 "Жаҳ ва лойиқ". Т/с.
19.30 "Шарқ гавари".
20.40 "Домар". Т/с.
21.30 "Айбоб-Йироқ".
22.00 "Домар".
22.30 "Шерар". Б/ф. 1-қисм.
23.30 "Эрзи ва обод Ватан".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ихтидор номлари".
00.30 "Домар".
1.00 "Афсона ва қўлиқ".
1.20 "Домар".
1.40 "Шамолнинг қўлиқлари".
2.00 "Айбоб". Т/с.
3.30 "Муштаннома".
5.10 Миллий сериал: "Сержантлар".
5.40-6.00 "13-сентябр".



6.00 Курсуларлар дастури.
6.05 "Ихтидор номлари". Б/ф.
7.30 "Соғлом, Тоғкичи".
8.30 Тоғкичи тароналари.
8.45 "Ихтидор".
9.05 "Тахсилнома".
9.10 "Ихтидор".
9.20 "Ихтидор номлари".
9.35 "Ихтидор".
10.10 "Камер оркестрининг концерт".
10.25 "Ихтидор".
10.30 "Тоғкичи". Т/с.
10.40 "Тоғкичи".
11.00 "Ихтидор".
11.10 "Меридол". Б/ф.
13.00 "Соғлом, Тоғкичи".
14.00 "Домар". Телдустури.
15.00 "Тоғкичи".
15.15 "Муштаннома ва эрзи". Т/с.
15.25 "Муштаннома оғиллари".
"Муштаннома саройида ману қўлиқлари".
Хўрақини 1-қисм.
15.55 "Ихтидор".
16.00 "Қомитиндин ўрғина".
16.30 Тоғкичи тароналари.
16.45 "Муштаннома". Акс-ука Грими тароналари. 13-қисм.
17.10 "Кулб бекати".
17.25 "Ихтидор".
17.55 "Муштаннома меннинг тақдирим".
18.00 "Тоғкичи".
18.25 "Ихтидор номлари".
18.35 Миллий сериал: "Оламнинг оғиллари". 12-қисм.
19.05 Ўзбекистон Республикаси мухторлигининг 21 йиллиги.
"Эрзи ва обод Ватан".
19.25 Тоғкичи тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Тоғкичи".
20.25 "Жўми". Т/с. 118-қисм.
21.05 Тоғкичи тароналари.
21.20 "Ихтидор".
21.30 "Тоғкичи". Т/с.
21.50 "Теле-маркет".
22.10 "Эрзи ва обод Ватан". Т/с.
22.20 Кино SMS соғлом".
22.25 "Видео эрзи". Х/ф.
00.00 Курсуларлар дастури.
00.05 "Ихтидор номлари".
00.10 "Ихтидор".
00.15 "Ихтидор".
00.20 "Ихтидор".
00.25 "Ихтидор".
00.30 "Ихтидор".
00.35 "Ихтидор".
00.40 "Ихтидор".
00.45 "Ихтидор".
00.50 "Ихтидор".
00.55 "Ихтидор".
01.00 "Ихтидор".
01.05 "Ихтидор".
01.10 "Ихтидор".
01.15 "Ихтидор".
01.20 "Ихтидор".
01.25 "Ихтидор".
01.30 "Ихтидор".
01.35 "Ихтидор".
01.40 "Ихтидор".
01.45 "Ихтидор".
01.50 "Ихтидор".
01.55 "Ихтидор".
02.00 "Ихтидор".
02.05 "Ихтидор".
02.10 "Ихтидор".
02.15 "Ихтидор".
02.20 "Ихтидор".
02.25 "Ихтидор".
02.30 "Ихтидор".
02.35 "Ихтидор".
02.40 "Ихтидор".
02.45 "Ихтидор".
02.50 "Ихтидор".
02.55 "Ихтидор".
03.00 "Ихтидор".
03.05 "Ихтидор".
03.10 "Ихтидор".
03.15 "Ихтидор".
03.20 "Ихтидор".
03.25 "Ихтидор".
03.30 "Ихтидор".
03.35 "Ихтидор".
03.40 "Ихтидор".
